

**ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА ТАЪЛИМНИНГ ТАРБИЯ БИЛАН УЙҒУНЛИГИ****Гулямова Азиза Нигматовна**

ТТА Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистонда олиб борилаётган ёшларга оид давлат сиёсати ва шу йўналишдаги асосий масалалар ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: ислоҳат, маънавият, янгиланиш, тараққиёт, таълим, тарбия, қадриятлар, маънавий мерос, ижтимоий-гуманитар фанлар.

Мамлакатимиз ривожланиши, муайян ютуқларга эришиши ёшлар таълим-тарбияси ва келажагига бериладиган эътибор ва ислоҳатларга боғлиқ. Шу маънода, Ўзбекистонда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланиб, бу борада Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев шундай таъкидлаган эди: “Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз” [1].

Хусусан, Олий таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳатлар ва янгиланишлар мамлакатимиз тараққиётининг вазифаларига мувофиқ равишда қайта тузилмоқда ва амалиётга жорий этилди. Бунинг самарасини биз бугун талабалар онги ва қалбида ватанпарварлик, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда фидойилик ва унинг юксак тараққиётга эришишга ўзининг ҳиссасини қўшиш руҳияти шаклланишида кўришимиз мумкин.

Шунинг билан бирга ўқув жараёнларини бугунги мураккаб замон талабларига мувофиқ такомиллаштириб бориш зарурияти муҳим вазифаларимиз қаторида турибди. Айниқса ижтимоий-гуманитар фанларни талабалар томонидан чуқур ўзлаштириши учун зарур бўлган турли замонавий услуб ва воситалардан самарали фойдаланиш зарурияти кучаймоқда. Бу фанларнинг мураккаб жиҳати шундаки, бугун ёшлар юксак тараққий этган оммавий информацион воситалари босими остида яшамокдалар. Бугун радио, телевидение, айрим чет эл фильмлари, интернет ва бошқа воситалар бир томондан фан, техника, технология ютуқларини оммалаштиришда ижобий рол ўйнаётган бўлса, иккинчи томондан, ёшлар онги, қалби, дунёқараши ва маънавиятига салбий таъсир ўтказувчи ғарбда шаклланиган “оммавий маданият” ни ёшлар онгига сингдиришга ҳаракат қилмоқда.

Президентимиз ўзининг ҳар бир нутқида ёшларни тарбияси одоб-ахлоқи, юриш-туриши, маданий савияси, бир сўз билан айтганда, тарбияси билан боғлиқ масала доимо уни ўйлантириб келаётганлигини алоҳида тўхталиб, жумладан шундай деди: “Мени доимо ўйлантирадиган, ташвишга соладиган яна бир долзарб масала бу – ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, маданий савияси, бир сўз билан айтганда, тарбияси билан боғлиқ. Биз бу йўналишда катта ишларни амалга оширяпмиз” [2]. Дарҳақиқат, ёшлар тарбияси энг мураккаб жараёнлардан бири ҳисобланиб, бу фаолиятда сансоларлик, ўзбошимчалик ва айниқса, лоқайдликка йўл қўйиб бўлмайди. Чунки ҳар қандай давлатнинг истиқболи шу мамлакатда вояга етаётган ёшларнинг таълими, тарбияси ва интеллектуал салоҳиятига боғлиқдир.



Journal of Advanced Research and Stability

Volume: 03 Issue: 01 | December - 2022 ISSN: 2181-2608

www.sciencebox.uz

Таълимни тарбия билан уйғун равишда олиб бориш борасида Республикаимиз Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва барча Олий ўқув юртларида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, ўқув жараёнларини амалиёт билан кундалик ҳаёт билан уйғун равишда олиб боришга катта аҳамият берилмоқда. Бугун барча Олий ўқув юртларида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда компьютерлардан самарали фойдаланилмоқда, ҳар ойнинг маълум кунда “маънавият куни” белгиланган, мавжуд музейларга олиб бориш йўлга қўйилган.

Шу жумладан, Тошкент Тиббиёт Академияси Ижтимоий фанлар кафедрасида ҳам бу борада самарали фаолият олиб борилмоқда. Хусусан, кафедрамиздаги барча фанлардан мавзуларни талабаларга ўқитишда кафедрамиз профессор-ўқитувчилари томонидан янги педагогик технологияларга асосланган методологиядан, мультимедиялардан кенг фойдаланилмоқда, талабалар турар жойларида турли мавзуларда давра суҳбатлари ўтказилмоқда, жума кунлари “маънавият куни” деб эълон қилинган бўлиб, 1-паранинг бошланғич 20 дақиқаси маълум мавзуларда маърузалар ўқиш яхши йўлга қўйилган.

Албатта, бу қатор тадбирлар бир томондан, ёшларимизнинг миллий маънавий- меросимизни, мамлакатимизнинг ўз мустақиллигини қўлга киритишда фидоийлик кўрсатган аждодларимизнинг жасоратларини, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимизни ўзлаштиришда ижобий рол ўйнаётган бўлса, иккинчи томондан ижтимоий-гуманитар фанларни ўзлаштиришга ҳам ёрдам бермоқда.

Аммо, ҳали бу борада қилиниши зарур бўлган ишларимизнинг кўлами катта эканлигини ҳам назарда тутмоғимиз зарур бўлади. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ҳам 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик - билимсизликдир” [3], деб тўғри гапни айтган эди. Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак.

Шунинг билан бирга Ижтимоий фанларни ўқитиш жараёнида уларнинг назарий ва илмий жиҳатларини тарбия билан уйғун равишда олиб боришимизга эътиборни кучайтиришимизга эҳтиёж ошиб бораётганлигини назарда тутиб фаолият олиб боришимиз лозим бўлади. Айниқса, ўқув жараёнида фанларнинг мавзуларини реал воқеийлик билан уйғун равишда олиб бориш талабаларимизнинг фанларни мукамал ўзлаштиришларига ёрдам беради. Бу борада фикримизча қуйидагиларни амалга оширишимиз мақсадга мувофиқдир:

- Шаҳримизда мавжуд бўлган “Мустақиллик майдони”, “Мотамсара она”, “Қатағон курбонлари” мажмуалари, “Ўзбекистон халқлари тарихи”, “Амир Темур ва темурийлар”, Алишер Навоий номидаги “Адабиёт” музейларининг тарбиявий ҳамда илмий имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадида амалий машғулот дарсларини уларда ўтказишни йўлга қўйиш;
- Маъруза ва амалий машғулотларни давра суҳбати тарзида ўтказиш, талабаларнинг эркин мулоқотларини жонлаштириш;
- Республикаимизда ўтказилаётган илмий-амалий конференцияларда талабаларимизнинг фаол иштирокини таъминлаш.
- Гуруҳнинг фаол талабалари билан ҳозирги замоннинг долзарб муаммоларини ўзида ифода эттирадиган спектаклларни, телевиденияда берилаётган баъзи сериаллар ёки



ёки кўрсатувларнинг биргаликда тамоша қилиш ва улар юзасидан талабаларнинг ўзаро мулоқатларини уюштириш (бу тадбирлар талабалар турур жойларида ўтказилиши мақсадга мувофиқ бўлади).

Юқорида келтирилаётган таклифларимиз албатта ўқув жараёни, талабаларнинг Ижтимоий фанлардан оладиган билимларини мустаҳкамлашига, энг муҳими назарий билимларни реал ҳаёт билан уйғун ҳолда ўзлаштиришларига ёрдам беради.

Адабиётлар:

1. Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон ёшларига байрам табриги// <https://xs.uz/uzkr/post/shavkat-mirziyoev-ozbekiston-yoshlariga-bajram-tabrigi-jolladi>
2. Шавкат Мирзиёев: Ёшлар ўртасида китобхонликни ривожлантириш доимий эътиборимиз марказида бўлади// https://uza.uz/uz/posts/shavkat-mirziyoev-yoshlar-ortasida-kitobxonlikni-rivozhlantirish-doimiy-etiborimiz-markazida-boladi_281089
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 2020. - 115 б.